

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ
ТАШКИЛОТЛАРИДА КРЕДИТ-
МОДУЛЬ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ**

- ▶ **1.Олий таълим тизими: Тошкент-кимё технология институти**
- ▶ **2.Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони**
 - ▶ **3.Кредит - модуль тизими ҳақида тушунчалар**
- ▶ **4.Кредит – модуль тизимини Олий таълимга жорий қилиш**
 - ▶ **5. Регистратор офиси фаолияти**

1. Тошкент кимё-технология институти



**Тошкент кимё-технология институти Ўзбекистон Республикаси
1-президентининг 1991 йил 6 майдаги 203-сонли Фармониға биноан
собик Тошкент политехника университети таркибидаги “Кимёвий
технология ва муҳандислик технологияси” факультетлари негизида
ташкил топди. Институт ўтган давр ичида кимё, озик-овқат, нефт-
газ, қурилиш материаллари ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига
10 мингдан зиёд юқори малакали муҳандис технологлар, таълим
йўналишлари бўйича мингдан ортиқ бакалавр ва 30 га яқин
мутахассисликлар бўйича магистрлар тайёрлаган.**

ИНСТИТУТ РАҲБАРИЯТИ



Тошкент кимё-технология институти ректори:
Усмонов Ботир Шуқуриллаевич



Ўқув ишлари бўйича проректор:
Сафаров Тойир Турсунович



Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор:
Пулатов Хайрулла Лутпуллаевич



Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор:
Қодиров Бобиромон Бекмуродович



Ёшлар билан ишлар бўйича проректор:
Вакант

ФАКУЛЬТЕТЛАР



- Менежмент ва касб таълими факультети,
Вапаев Муроджон Дусумматович



- Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси
факультети, Балтабаев Улуғбек
Нарбаевич



- Ноорганик моддалар технологияси
факультети, Сафаров Ёдгоржон Тойирович

ФАКУЛЬТЕТЛАР



- Ёқилғи ва органик бирикмалар кимёвий технологияси факультети, **Абдуллаев Алишер Шоназарович**



- Виночилик технологияси ва саноат узумчилиги факультети, **Абдуллаев Умид Куйчиевич**

2.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони



Ўзбекистон Республикаси олий таълим
tizimини 2030 йилгача ривожлаштириш
концессиясини тасдиқлаш тўғрисида

2019 йил 8 октябрда

Фармонга кўра:

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси доирасида куйидаги энг асосий вазифалар назарда тутилган:

1

Олий таълим соҳасида **давлат-хусусий шерикликни** ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва подавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида **олий таълим билан қамров даражасини 50 фонздан** ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш

2


Республикадаги камида **10 та** олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (**Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities**) рейтингининг биринчи **1000 та** ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш

3

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич **кредит-модуль тизимига ўтказиш**

QS World University Rankings университетларни 6 та кўрсаткичдан фойдаланган ҳолда баҳолайди:





► **3.4. Кредит-модуль тизими, унинг асосий тушунчалари, Олий таълим тизимидаги аҳамияти**

Пайдо бўлиш тарихи

1872

- Гарвард университети

1930

- Бутун АҚШ бўйлаб

1987

- Европа, Эрасмус

1989

- **ECTS**

1999

- Болонья процесси

▶ **Кредит таълим тизимини жорий этиш янги асосий тушунчаларни ўзлаштиришни талаб қилади. Бунга сўнгги йилларда таълим тизимида турли халқаро атамалар қўлланилаётганлиги, анъанавий атамаларни қўллашдаги қарама-қаршиликлар, такрорланишлар асос бўлади. Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг халқаро алоқаларни мақсадли кенгайтириши, мамлакат таълим тизимининг жаҳон тизимига жадал интеграциялашуви оммавий равишда ўқув, услубий, илмий ва ташкилий материалларни инглизчадан таржима қилишни тақозо этмоқда. Бунда асосий урғу Ўзбекистонда кредит таълим тизимини жорий этишга ёрдам берадиган, халқаро миқёсда қўлланилаётган қатор муҳим тушунча ва атамаларга қаратилиши лозим.**

Масалан, “Educational Program” (таълим дастури) муайян таълим босқичи (бакалаврият, магистратура, докторантура) бўйича мутахассисликни англатса, “Academic Program” (ўқув дастури) ўқув фанини билдиради ва “Syllabus” (силлабус) атамаси билан бир хил маънони англатади. “Course” атамаси ўқув йилини эмас, балки ўқув курсини, фанини, модулини билдиради. “Faculty” атамаси факультетни эмас, балки профессор-ўқитувчилар таркибини англатади. Ўқитувчининг лавозимини кўрсатишда “Lecturer” (лектор, маърузачи) ва “Tutor” (тьютор) атамалари кенг қўлланилади. Классификаторда қўлланиладиган “мутахассислик” тушунчасини ифодалаш учун инглиз тилида “Speciality” эмас, балки “Major” атамаси қўлланилади. Ва ниҳоят, ўқув режаси “Academic Plan” эмас, балки “Curriculum” кўринишида қўлланилади.

Кредит таълим тизимида муҳим аҳамият касб этувчи асосий тушунчалар мавжуд

- ▶ • **Academic Calendar** (академик календарь, ўқув жадвали) – ўқув йили давомидаги ўқув, аттестация ва дам олиш (таътил ва байрам кунлари) кунлари кўрсатилган ўқув жараёни жадвали;
- ▶ • **Advisor** (эдвайзер) – талабага мутахассислик бўйича ўқув траекториясини танлаш ва ўқув давридаги фанларни ўзлаштириш бўйича ёрдам берувчи мутахассислик кафедраси ўқитувчиси.
- ▶ • **Assistant Professor, Associate Professor, Professor** (ассистент, доцент, профессор) – олий ўқув юртларидаги профессор-ўқитувчилар таркибининг лавозимлари бўлиб, тьюторлар ва лекторларга берилади.
- ▶ • **Bachelor, Master, Doctor** (бакалавр, магистр, доктор) – олий ва олий таълимдан кейинги таълимнинг таълим дастурларини ўзлаштирган шахсларга бериладиган академик даражалар.
- ▶ • **Contact hour** (контакт соат) – 1 академик соат ҳажмидаги машғулот давомийлиги бўлиб, у машғулот турлари бўйича турлича белгиланиши мумкин.

- ▶ • **Core Subjects** (мажбурий фанлар) – таълим дастури бўйича мажбурий ўрганилиши лозим бўлган фанлар.
- ▶ • **Course Description** – фан мазмуни бўйича маълумот, унинг қисқа баёни.
- ▶ • **Credit, Credit-hour** (кредит, кредит-соат) – ўқув ишлари ҳажмини ўлчашнинг ягоналаштирилган бирлиги. Бир кредит семестр давомида ҳар ҳафтада ўтиладиган бир академик соатни ва уни ўзлаштириш учун белгиланган мустақил таълим соатларини ўз ичига олади.
- ▶ • **Curriculum** (талабанинг шахсий ўқув режаси) – талабанинг таълим дастури бўйича фанлар рўйхати ва ҳажмини, уларни ўқиш тартибини белгиловчи асосий ҳужжат.
- ▶ • **Degree** (академик даража) – олий ўқув юрти томонидан таълим дастурини тўлиқ тугатганлик ҳақида битирувчиларга бериладиган даража;
- ▶ • **Distance Education** (масофавий таълим) – масофадан билим олиш шакли бўлиб, таълим муассасасидан узоқда жойлашган шахсларни электрон ва телекоммуникация воситалари ёрдамида услубий таъминлаш, ўқитиш ва ривожлантириш учун мўлжалланган ўқув муҳити.
- ▶ • **Elective Courses** (танлов фанлари) – талабалар томонидан ихтиёрий танланадиган фанлар.
- ▶ • **Enrollment** (ўқув курсига ёзилиш) – талабаларнинг ўқув курсларига белгиланган тартибда қайд қилиниши.

- ▶ • **Final Examination** (якуний назорат) – ўқув курси якунида талабаларнинг ўзлаштиришини текшириш учун ўтказиладиган назорат тури.
- ▶ • **Full Time Education** (кундузги таълим шакли) – талаба ўқув режада кўзда тутилган барча ўқув машғулотларига қатнашиши шарт бўлган ўқиш шакли.
- ▶ • **General Education Requirement (GER)** – умумтаълим фанлари, ижтимоий-гуманитар ва табиий-илмий фанлар.
- ▶ • **Grade Point Average (GPA)** (ўртача балл) – талабанинг фанларни ўзлаштиришининг ўртача баҳоси (фанлар бўйича кредитларнинг рақамли эквивалентларга кўпайтмалари йиғиндиларининг ўқув давридаги умумий кредитлар сонига нисбати); талабаларни кейинги босқичга ўтказиш учун қўлланилади.
- ▶ • **Hand-outs** (тарқатма материаллар) – талабаларга мавзу бўйича ўқув жараёнида тарқатиладиган кўрғазмали материаллар (тезислар, маърузалар, ҳаволалар, мисоллар, глоссарий, мустақил таълим учун топшириқлар).
- ▶ • **Midterm Examination** (оралиқ назорат) – тасдиқланган академик календар бўйича фанни ўзлаштиришнинг фан ўқитувчиси томонидан амалга ошириладиган даврий назорат.
- ▶ • **Office Hours** – талабанинг дарс жадвалида кўрсатиладиган, талаба ўқитувчи раҳбарлигида аудиториядан ташқарида бажарадиган мустақил иши.

- ▶ • **Office of Registrar** (Регистратор офиси) – ўқитиладиган фанларга талабаларни ёзиш ва уларнинг ўқув давридаги барча ўзлаштириш кўрсаткичларини қайд қилиш хизмати.
- ▶ • **Part-time Education** (сиртқи таълим) – ўқув машғулоти ўқув материалларини жўнатиш орқали қўбинирилган тарзда олиб бориладиган таълим шакли. Бунда талаба семестрда белгиланган кредитлардан кам кредит олади, лекин ўқув семестрлари сонининг кўплиги ҳисобига талаб қилинадиган умумий кредитларни тўплайди.
- ▶ • **Prerequisite, Postrequisite** (prē'rekwəzət) – муайян фаннинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги, бирор фандан олдин ва кейин ўқиши зарур бўлган фанлар;
- ▶ • **Subbatical Term** (малака ошириш даври) – ўқитувчининг белгиланган тартибда ўз академик малакасини мажбурий тарзда ошириши.
- ▶ • **Syllabus** (фаннинг ишчи ўқув дастури) – фаннинг аҳамияти, мақсад ва вазифалари, қисқа мазмуни, мавзулари ва машғулотларнинг давомийлиги, мустақил иш топшириқлари, маслаҳат вақтлари, ўқитувчининг талаблари, баҳолаш мезонлари, назорат жадвали ва адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган асосий ўқув-услубий ҳужжат.
- ▶ • **Term** (академик давр) – олий ўқув юрти томонидан белгиланган ўқув даври, у уч хил шаклда бўлиши мумкин: семестр, давомийлиги одатда – 15 ҳафта, триместр – 10 ҳафта, квартал – 8 ҳафта.
- ▶ • **Transcript** (академик маълумотнома) – белгиланган шаклдаги ҳужжат бўлиб, ўқув давридаги ўтилган фанларни ва улар бўйича тўпланган кредитларни, баҳоларни ва ўртача бални кўрсатади.

- ▶ • **Апелляция** – талабаларнинг билимини баҳолашга нисбатан нообъектив ёндашувларни, омилларни аниқлаш ва йўқотиш мақсадида ўтказиладиган тадбир.
- ▶ • **Бакалавриат** – бакалавр академик даражасини тақдим этувчи олий таълим дастури.
- ▶ • **Талабанинг ўқув-услубий мажмуаси** – барча ўқув даврлари учун шахсий ўқув режаси, силлабуслар, мустақил ишлар бўйича услубий кўрсатмалар, амалиёт дастурлари ва шу кабиларни ўз ичига олувчи ўқув-йўриқнома ахборотлари ва ҳужжатлари пакети.
- ▶ • **Докторантура** – олий таълимдан кейинги таълим дастури.
- ▶ • **жорий назорат** – фаннинг ҳар бир мавзуси ўзлаштирилишини текшириш учун фан ўқитувчиси томонидан ўтказиладиган назорат тури.
- ▶ • **Икки дипломли таълим** – иккита ўқув режаси бўйича параллел ўқиш имконияти, бунда иккита ўзаро тенг кучли дипломлар олиш (**Double Major**) ёки битта асосий ва битта қўшимча диплом олиш (**Major-Minor**) мумкин.
- ▶ • **Ишчи ўқув режаси** – талабаларнинг шахсий ўқув режалари асосида шакллантирилган ўқув режаси, ўқитувчиларнинг ўқув ишлари юкламаларини ҳисоблаш учун асос бўладиган ҳужжат.
- ▶ • **Кредит таълим тизими** – ўқув жараёнини ташкил этиш шакли бўлиб, талабаларга ўз ўқув траекторияларини муайян чегарада белгилаш имконини беради, мустақил ва ижодий билим олишни рағбатлантиришга йўналтирилади, ўзлаштирилган билимлар ҳажми кредитларда ўлчанади.

- ▶ • **Курс сиёсати** – фанни ўзлаштириш бўйича талабаларга қўйиладиган талаблар.
- ▶ • **Магистратура** – олий ўқув юртларида ва илмий муассасаларда “магистр” академик даражасини берадиган, чуқур илмий ва касбий тайёргарлик асосида илмий-педагогик кадрлар ва мутахассисларни тайёрлаш шакли.
- ▶ • **Маълумотнома-кўрсаткич** – академик календар, олий ўқув юрти ҳақидаги умумий маълумотлар, талабанинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, кредит таълим тизимининг асосий қоидалари, ҳар бир фан бўйича якуний баҳолашларни ҳисоблаш методикаси ва ўртача балл (GPA), якуний давлат аттестацияси талаблари ва шу кабиларни ўз ичига оладиган маълумотнома.
- ▶ • **Мустақил иш** – мавзулар бўйича мустақил таълимга ажратилган иш бўлиб, ўқув-услубий адабиётлар ва тавсиялар билан таъминланади, тестлар, назорат ишлари, коллоквиумлар, рефератлар, баён ва ҳисоботлар шаклида назорат қилинади.
- ▶ • **Намунавий ўқув режа** – ўқув фанларини ўрганиш кетма-кетлиги ва ҳажмини белгиловчи ўқув режаси.
- ▶ • **Оралиқ аттестация** – фанларни ўзлаштиришнинг комплекс баҳоланиши.
- ▶ • **Портфолио** – талабаларнинг муайян вақт давомида (семестр, ўқув йили) бажарган турли ишлари тўплами.

- ▶ • **Тьютор** – фан бўйича амалий машғулотларни олиб борувчи ва маслаҳат берувчи, талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилувчи ва бажарилишини таъминловчи, фан бўйича билимларни тизимга келтирувчи, семестр ва курс ишларига раҳбарлик қилувчи, ўқув амалиётларини ташкил қилувчи ўқитувчи.
- ▶ • **Фан коди** – ўқув режасида ҳар бир фан учун белгилаб қўйиладиган ҳарф-рақамли белги, халқаро номланиш асосида белгиланади.
- ▶ • **Фаннинг ўқув-услубий мажмуаси** – фан бўйича билим, кўникма ва малакаларни муваффақиятли ўзлаштиришга ёрдам берувчи асосий ўқув- услубий ҳужжатлар пакети.
- ▶ • **Фан ўзлаштирилишини назорат қилиш** – турли шаклдаги назорат топшириқлари асосида фан бўйича ўзлаштиришни назорат қилиш (ёзма иш, тест, амалий ишлар, портфолио, оғзаки сўров, имтиҳон ва ҳ.к.); жорий, оралиқ ва якуний назорат турлари мавжуд.
- ▶ • **Чизиқли ўқиш тизими** – таълим дастуридаги фанларни мантиқли тузилган аниқ тартиб бўйича ўрганишни ташкил қилиш усули.
- ▶ • **Чизиқсиз ўқиш тизими** – таълим дастуридаги фанларни алтернатив траектория бўйича ўрганишни ташкил қилиш усули.
- ▶ • **Шахсий ўқув режаси** – ҳар бир талабанинг шахсий ўқув траекториясини белгилаб берувчи ўқув режаси;
- ▶ • **Якуний давлат аттестацияси** – талабаларнинг таълим босқичига мос давлат таълим стандартларини ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган тадбир. Бу тадбир натижасида таълим олганлик ҳақида ҳужжат (диплом) берилади.

ECTS тизими нима?

- ▣ **ECTS(European Credit Transfer System) – ўқувчига йўналтирилган, таълим олиш, таълим бериш ва таълимни баҳолашда шаффофликга асосланган тизим. Унинг объекти ўқув дастурларини тузиш, талабаларга етказиш ва уни баҳолашни соддалаштириш ва талаба алмашинув дастури давомида ўрганилган билимларни, диплом ёки бошқа турдаги хужжатни ва ўқиган муддатни осонлик билан англашинуви (тан олиш) ҳисобланади.**

ECTS да кредит тушунчаси

1 кредит



25-30 соат



40 % Контакт соат (10
-12 соат)
60 % Мустақил соат
(15-18 соат)



КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ БИЗГА НИМА БERAДИ



Шаффофлик



Прагматизм



Талабага йўналтирилган таълим

Талабанинг ўқув юклармаси


- ▶ **Маъруза**
- ▶ **Семинар**
- ▶ **Лаборатория ишлари**
- ▶ **Лойиҳалар**
- ▶ **Амалиёт иши**
- ▶ **Топшириқ ва вазифалар**
- ▶ **Имтиҳон тести**
- ▶ **Мустақил таълим**



Талаба алмашинуви дастури (Student Exchange)

▶ **ECTS кредит** – модуль тизимида фаолият юритадиган ОТМлар таълимни ташкил этиш, уни ҳисобини юритиш бўйича стандарт тамойиллар асосида ишлаганлиги, таълим жараёнлари, талабаларни баҳолаш тизимлари шаффофликка асосланганлиги сабабли талабаларнинг бир ОТМда қўлга киритган кредитларини бошқа ОТМда тан олиниши имконияти кенгайди. Шу туфайли ECTS кредит – модуль тизимига ўтган ва унинг тамойилларига (том маънода) амал қилаётган ОТМларнинг ҳалқаро жозибадорлиги ошади. Уларнинг хорижий ОТМлар билан ҳамкорлик қилиш имкониятлари кенгайди.





ECTS кредит-модул тизими таркиби икки зарур элементлардан иборат:

ўқув юкламалари

ўқув натижалари

Ўқув юклармаси (Learning workloads)



- ▶ 10 кредитлик фан ўтадиган профессор 100 – 120 соат контакт соат ўтиши талаб қилинади

Ўқув натижалари (Learning outcomes)

Талаба ўзига керакли билимга эга бўлиши (to get knowledge)

**ТАЛАБАДАН
КУТИЛАДИГАН
НАТИЖАЛАР**

Курс давомидаги камчиликлар ва кўникмаларни баён қилиш
(Anonymous poll)

Олган билимларни амалиётда кўллай олиш
(Qualified staff)

Талаба ўқув юкلامасининг таркибий қисмлари

Кредитлар миқдори

Бакалавр - 240 кредит

Магистратура – 120 кредит

Фанлар

Асосий

Танлов

Факултатив


Соатлар тақсимооти

Контакт соат – 40%

Мустақил таълим – 60%

Талаба ўқув юкламасининг таркибий қисмлари

- ▶ Академик соат тушунчаси ECTS тизимида: 45 – 60 мин
- ▶ Фанларни кредитларга ажратиш: **modular** ва **non-modular**



Кредитни тақсимлаш

Ўқув йили

60 кредит
(1 кредит 25-30 соат)
1500 – 1800 соат

Семестер

30 кредит
750 – 900 соат

30 кредит
750 – 900 соат

Ҳафта

18 ҳафта
42 – 50 соат
(16,8 – 20 кон.соат)

18 ҳафта
42 – 50 соат
(16,8 – 20 кон.соат)

Кун

5 кун
8,4 – 10 соат
(3,36 – 4 кон.соат)

5 кун
8,4 – 10 соат
(3,36 – 4 кон.соат)


Талабанинг ўқув юкламаси (modular)

Биринчи босқич														
№	ФАН КОДИ	Фанлар	Талабанинг умумий юкламаси								Семестер		Кредитлар	
			Умумий топшириқлар қиймати		Тақсимот						1	2		
					Жами	Маруза	Амалиёт	Лаборатория	Семинар	Имтиҳон	Мустақил таълим	Семестер I		Семестер II
			Соат	%	Семестер бўйича кредитлар									
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	
		<i>Асосий фанлар</i>												
1	APM1M116	Амалий математика 1	180	10,0%	72	32	36			4	108	6		6
2	ECOM116	Иқтисодиёт	180	10,0%	72	32	36			4	108		6	6
3	ICTM116	Иқтисодиётда Ахборот коммуникацион технологиялар ва	180	10,0%	72	32		36		4	108	6		6
4	APM2M116	Амалий математика 2	180	10,0%	72	32	36			4	108		6	6
5	FLM116	Хорижий тил (Инглиз, француз, немис, корейс)	360	20,0%	144		136			8	216	6	6	12
6	HOEM114/ LANM114/ PHYM114	Иқтисодий таълимотлар тарихи (4 ECTS)/ўзбек(рус) тили(4 ECTS)/ Фалсафа (4 ECTS)	360	20,0%	144	64	72			8	216	6	6	12
7	CRTM116	Креатив фикрлаш	180	10,0%	72	32	36			4	108		6	6
		Спорт*												
8		Танлов фанлари (6 ECTS)	180	10,0%	72	32	36			4	108	6		6
		Умумий (1 босқич асосий фанлар)	1800	100,0%	720	256	388	36	0	40	1080	30	30	60
		Танлов фанлар (6 ECTS)												
1	BUSLE116	Бизнес ҳуқуқи	180	10,0%	72	32	36			4	108	6		6
2	STRTE116	Стартап технологиялар	180	10,0%	72	32	36			4	108	6		6
3	BUSE116	Бизнес Интеллект	180	10,0%	72	32	36			4	108	6		6
		Умумий (1 босқич фанлари)	1800	100%	720	256	388	36	0	40	1080	30	30	60




Курс каталоги

Силлабус




Курс
профиль



Курс
каталоги

Ўқув дастури(Syllabus)нинг таркибий қисмлари



▶ ЎҚУВ ДАСТУРИ ПРОФИЛИ

- ▶ **УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР:**
 - ▶ **ОТМ номи ва манзили:**
 - ▶ **Ташкилот тури ва статуси ҳақида маълумот:**
 - ▶ **Академик календар:**
- ▶ **ТАЪЛИМ ДАСТУРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ:**
 - ▶ **Таълим дастури номи, шифр коди:**
 - ▶ **Таълим дастури давомийлиги нечи йил:**
 - ▶ **Жами кредитлар миқдори:**
 - ▶ **Дастур тури:**
 - ▶ **Дастур тили:**
 - ▶ **Ўқув режа:**
 - ▶ **Қабул талаблари:**
 - ▶ **Тўлов шартнома пули:**
 - ▶ **Таълим йўналиши объекти:**
- ▶ **КУРС ОХИРИДА КУТИЛАДИГАН НАТИЖА:**
 - ▶ **Таълим сўнггида кутилиётган натижалар (малака, кўникма, лаёқат)**
 - ▶ **Қайси соҳаларда ишласа бўлади**
 - ▶ **Дастур учун масъул шахс**

Ўқув режалари фарқи 1 йиллик

Амалдаги ўқув режа

Янги ўқув режа

Ўқув режалар фарқи

Жами аудитория
соати – 1647 соат

Жами аудитория
соати – 720 соат

56 %
камайган

Жами мустақил
соати – 732 соат

Жами мустақил
соати – 1080 соат

47 % ошган

Жами умумий
юклама – 2362 соат

Жами умумий
юклама – 1800
соат

24 %
камайган

Баҳоларни конвертация қилиш жадвали (5 баллик тизимдан фоизга)

5 балли	100% шкала	5 балли	100% шкала	5 балли	100% шкала
5,00 — 4,96	100	4,30 — 4,26	86	3,60 — 3,56	72
4,95 — 4,91	99	4,25 — 4,21	85	3,55 — 3,51	71
4,90 — 4,86	98	4,20 — 4,16	84	3,50 — 3,46	70
4,85 — 4,81	97	4,15 — 4,11	83	3,45 — 3,41	69
4,80 — 4,76	96	4,10 — 4,06	82	3,40 — 3,36	68
4,75 — 4,71	95	4,05 — 4,01	81	3,35 — 3,31	67
4,70 — 4,66	94	4,00 — 3,96	80	3,30 — 3,26	66
4,65 — 4,61	93	3,95 — 3,91	79	3,25 — 3,21	65
4,60 — 4,56	92	3,90 — 3,86	78	3,20 — 3,16	64
4,55 — 4,51	91	3,85 — 3,81	77	3,15 — 3,11	63
4,50 — 4,46	90	3,80 — 3,76	76	3,10 — 3,06	62
4,45 — 4,41	89	3,75 — 3,71	75	3,05 — 3,01	61
4,40 — 4,36	88	3,70 — 3,66	74	3,00	60
4,35 — 4,31	87	3,65 — 3,61	73	3,0 дан кам	60 дан кам

Олий таълим муассасаларининг баҳолаш тизимини бошқа баҳолаш тизимларига конвертация қилиш жадвали

2018 йилдан бошлаб ОТМ баҳолаш тизими	Россия Федерацияс и баҳолаш тизими	Европа мамлакатлари кредитларни кўчириб ўтиш ва тўплаш тизими	АҚШ баҳолаш тизими (A— F)	Буюк Британия баҳолаш тизими (%)	Япония баҳолаш тизими (%)	Корея Республикаси баҳолаш тизими (%)	2019 йилга қадар ОТМ баҳолаш тизими
«5»	«5»	«A»	«A+»	70 — 100	80 — 100	90 — 100	86 — 100
			«A»				
			«A-»				
«4»	«4»	«B»	«B+»	60 — 64	70 — 79	80 — 89	71 — 85
		«C»	«B»	50 — 59			
			«B-»				
«3»	«3»	«D»	«C+»	45 — 49	60 — 69	70 — 79	55 — 70
		«E»	«C»	40 — 44			
			«C-»				
			«D+»				
			«D»				
«D-»							
«2»	«2»	«FX»	«F»	0 — 39	0 — 59	0 — 59	0 — 54



GPA баҳолаш тизими

- ▶ **GPA (Grade Point Average)** қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:
- ▶
$$\text{GPA} = \frac{B_1 \times K_1 + B_2 \times K_2 + \dots}{K_1 + K_2 + \dots}$$
, бунда:
- ▶ B_1, B_2 – фанлар бўйича рақамларда ифодаланган якуний баҳолар;
- ▶ K_1, K_2 – фанга ажратилган синов бирликлари миқдори (кредитлар);

Корпоратив бошқарув йўналиши талабасини 1-семестрда олган баҳолари мисолида GPA ҳисоблаш

Фанлар номи	Ажратилган кредит миқдори	Олинган баҳолар
Корпоратив бошқарув	7.5 кредит	4
Молиявий ҳисобот методологияси	7.5 кредит	4
Бухгалтерия, ташкилотлар ва жамият	7.5 кредит	5
Илмий тадқиқот методологияси	7.5 кредит	3
Махсус фанларни ўқитиш методикаси	7.5 кредит	4

2-семестр

Асосий фанлар	
CORGOV7.5	Корпоратив бошқарув
RESMET4.0/ METTSD3.5	Илмий тадқиқот методологияси(4 ECTS) / Махсус фанларни ўқитиш методикаси(3,5 ECTS)
ACCOS7.5	Бухгалтерия, ташкилотлар ва жамият
ISSFR7.5	Молиявий ҳисобот муаммолари
GLOBE7.5	Глобал бизнес муҳит
CORFIN7.5	Корпоратив молия
INTCG7.5	Халқаро корпоратив бошқарув
FINICRA7.5	Молиявий инвестициялар ва корпоратив рисклар таҳлили
	Спорт*

1-семестр

Кредит миқдори

Олинган баҳо

$$GPA = \frac{7.5 \cdot 4 + 7.5 \cdot 4 + 7.5 \cdot 5 + 4 \cdot 3 + 3.5 \cdot 4}{7.5 + 7.5 + 7.5 + 4 + 3.5} = 4.1$$

GPA = 4.1

Ўқув платформаси

Ҳар битта талабанинг шахсий саҳифаси

Кредитлар миқдори

Талаба томонидан танланган фанлар

Дарс жадвали

The screenshot shows the 'Annual Personal Study Plan - A.Y.2019/20' for student Sukhrob KUTLIMURATOV (ID: U10240). The page lists various courses with their credit values. The courses and their credits are:

Course Code	Course Name	Credits
01SXIPP	Engineering Drawing	(6)
01TEJPP	Linear algebra and geometry 1	(6)
01TEKPP	Linear algebra and geometry 2	(4)
03KXUPP	Mathematical analysis II	(8)
04JCJPP	Computer sciences	(8)
04KXVPP	Physics I	(10)
06KXQPP	Mathematical analysis I	(10)
06KWRPP	Chemistry	(8)
07OGAPP	English Language	(0)
09HEOPP	Italian language	(0)

Below the study plan, there is a section for 'Remote Exams' with the heading 'General rules for exams conducted remotely'.

Ўқув платформаси

Янгиликлар

Профессор
томонидан берилган
топшириқлар

The screenshot shows a web browser window with the URL `https://didattica.polito.it/portal30/sviluppo.pagina_corso.main?t=3`. The page features a navigation menu with 'News', 'Guide', 'Materiali', 'Forum', 'Homework', and 'Virtual classroom'. The main content area displays course information for '01SXIPP - Engineering Drawing (6 cfu)' taught by 'Enrico Vezzetti' in 'Semester: 2-2'. Below this is a warning about educational use of materials. A section titled 'Materiale Didattico 2019/20' shows a file list with columns for 'Nome', 'Dimensione', and 'Data'. The file list includes folders for 'Prof. Abdulaziz Azamatov' and 'Prof. Enrico Vezzetti', and a 'Virtual classroom' folder. A search bar and a 'Cerca...' button are also visible.

Nome	Dimensione	Data
Prof. Abdulaziz Azamatov		16/04/2020 16:11:10
Prof. Enrico Vezzetti		17/04/2020 12:03:05

Фан
НОМИ,
шифри ва
кредити

Профессор
нинг исм
фамилияси

Профессор
томонидан
жойланган
материаллар

Valutazioni
provvisorie

➔ Change



CPD

Joint Committee
on Teaching

➔ Video "The
governance of PoliTo
in a nutshell"

CONSULTATION

➔ View results by
degree programme
➔ Home page - JCT
Questionnaire graphs
➔ JCT website

ANNUAL REPORTS

➔ JCT Annual Reports



Transcript of records

Course	ECTS	Grade	Date
Applied mechanics and machine design	8	21	21/06/2016
Automation and planning of production systems	6	20	20/06/2017
Electrical machines	8	27	16/01/2016
Electronic systems for mechatronics	8	28	02/02/2017
Final project work	30	Pass	28/04/2018
Fluid Automation	6	18	28/11/2015
Fundamentals of Engineering Thermodynamics and Heat Transfer	8	24	17/12/2015
Identification and control methodologies	6	18	28/06/2016
Laboratory of robust identification and control	6	24	30/01/2017
Modelling and simulation of mechatronic systems	10	19	05/05/2017
Modern design of control systems	6	19	01/03/2017
Power electronics	6	22	31/01/2017
Robotics	8	19	02/07/2016
Software architecture for automation	6	22	23/06/2016

Total no. of credits: 122

Фанлар

ИМТИҲОНДА
НОЛГАН
БАҲО

Кредитлар
миқдори

ИМТИҲОН
ТОПШИРГАН
САНАСИ

ЎҚУВ ҚОИДАЛАРИ (STUDY REGULATIONS)

- ▶ **Умумий қоидалар**
 - ▶ Кредит – модуль тизимига ўтиш тўғрисидаги президент қарорлари
 - ▶ ECTS тизими ҳақида
 - ▶ Кредит ва модуль тушинчалари
- ▶ **Таълим структураси**
 - ▶ Таълим йили
 - ▶ Семестер
 - ▶ Кредитлар
- ▶ **Қабул ва ўқишни кўчириш**
 - ▶ ДТМ/университет томонидан имтиҳон ўтказилиши
 - ▶ Ўқишни кўчириш тартиби

ЎҚУВ ҚОИДАЛАРИ (STUDY REGULATIONS)

▶ **Имтиҳон ва талабаларнинг ўқув жараёни**

- ▶ Семестер охиридаги имтиҳонлар ўтказилиш тартиби
- ▶ Қайта топшириш
- ▶ Имтиҳонлар жадвали
- ▶ Курсдан курсга ўтиш

▶ **Битирув**

- ▶ Битирув малакавий иши ёзиш
- ▶ Баҳолаш мезонлари

▶ **Университетдан четлатилиш**

- ▶ Талабанинг ўз ихтиёри билан
- ▶ Тўлов шартнома пули
- ▶ Интизомий

Бу тизимнинг талабалар учун афзалликлари



- ✓ Талабанинг бир мамлакат ОТМда олган дипломи бошқа бир мамлакат ОТМлари томонидан ҳеч қандай ортиқча ҳужаатларсиз тан олинади;
- ✓ Бу тизимда танлов фанларнинг кўплиги иш беручи талабидан келиб чиқиб мутахасис таёрлаш имкониятини беради;
- ✓ Ўқув дастури, маъруза, семинар ва амалиётларнинг салмоғи, уларни тугатгандан кейин бериладиган кредитлар сонига қараб осонроқ баҳоланиши мумкин;
- ✓ Мустақил ҳаракат қилишни ўрганадилар;
- ✓ Уларда танқидий ва аналитик фикрлаш кўникмаси шаклланади;
- ✓ Уларда маъсулият ва ўзига ишонч кўникмаси шаклланади;
- ✓ Ўз олдига аниқ мақсад қўяди ва шу мақсад сари ҳаракатланади;
- ✓ Талабага ўзи қизиққан касб ва мутахасислигидан келиб чиқиб мутахасислик фанларидан керагини танлаб ўқиш имкониятини беради;
- ✓ Талабага ўқитувчини танлаш имкониятини беради;

Бу тизимнинг
ўқитувчилар
учун
афзалликлари



- ✓ **ОТМ профессор ва ўқитувчиларининг бошқа мамлакатдаги ҳамкасблари билан ўзаро илмий ва амалий ҳамкорлик қилишларига кенг имконият яратади**
- ✓ **Бир фаннинг бир қисмини маҳаллий иккинчи қисмини чет эллик ўқитувчи ўтиш имкониятини беради;**
- ✓ **ECTS тизимида фаолият юритаётган маҳаллий ва халқаро ОТМлар ўртасида ўзаро ўқитувчилар алмашинуви (Academic staff exchange) имкониятини яратади;**
- ✓ **ECTS тизими сизнинг илмий ютуқларингизни исботлашга кенг йўл очади**

5. Регистратор офіси фаолияти





Абитуриентларни хужжатларини қабул қилиш;

Абитуриентларга уларнинг тест синовлари жараёнидаги вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушинтириш;


Хорижий ОТМлардан ўқишни кўчирмокчи бўлган талабаларнинг аризаларини қабул қилиш;

Ўқидан четлаштириш, қайта тиклаш, академик таътил бериш;

Тест синовларини ўтказиш билан боғлиқ барча зарур шароитларни яратиш ҳамда тест синовлари бўйича абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига тўлиқ маълумотлар бериш;

Қабул комиссияси хужжат топширган абитуриентлар ҳақидаги маълумотларни юритиш;

Таълим йўналишлари, ўқитиш шакли ва тили бўйича таълим муассасасига топширилган хужжатлар сони, шу жумладан, фан олимпиадалари ғолиблари, харбий ва бошқа имтиёзлага эга бўлган абитуриентлар томонидан топширилган хужжатлар ҳақидаги маълумотлар билан шуғулланиш;



ОТМ талабалари, профессор ўқитувчиларнинг ягона электрон базасини шакллантириш;

Талабалар ўзлаштириши, имтиҳон натижаларини ягона электрон рейтинг дафтарига қайд этиб бориш;

Таҳлилий маълумотларни шакллантириш ва қарор қабул қилиш жараёнининг оптималлаштириш;

Ўқув машғулоти ва имтиҳонлар жадваллари, талабаларнинг ўзлаштириш ва давоматига оид ахборотларни бошқаради;

Илмий лойиҳалар, илмий ва услубий нашрлар, интеллектуал мулк, олий малакали илмий педагогик кадрларни тайёрлашга оид ахборотларни бошқаради;

Таълим шартномалари, шартнома қийматлари ва тўлов мониторинги, стипендия миқдорлари ва стипендия тўловларига оид ахборотларни бошқаради;



Регистратор офис Ўзбекистонда

- 1.Талабага зарур бўлган ҳар қандай турдаги маълумотномалар**
- 2.Ўқитувчига боғлиқ бўлмаган муаммоларни ҳал қилиш (контракт, стипендия ва ҳ.к)**

- 1.Вақтдан унумли фойдаланиш**
- 2. Навбат кутишларни олдини олиш**
- 3. Ошкоралик ва шаффофлик**

- 1. Диплом билан боғлиқ ишлар (олиш, қайта тиклаш ва ҳ.к)**
- 2. Карьера масалалари бўйича (консультация ва бўш иш ўринлари ҳақида маълумот олиш)**

АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ



- ▶ **ТОПШИРИҚ** : Келгуси дарсга тайёргарлик.
- ▶ **МАВЗУ**: Озиқ-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари) йўналиши таълим дастури ва педагогик таркиби.

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН

РАҲМАТ

